

БЕРУНИЙ-ҚОМУСИЙ ОЛИМ

Матназаров Атабек Соатбоевич
Солаев Жамшидбек Рустамович

Хоразм вилояти Гурлан тумани 42-мактаб тарих фани ўқитувчилари.

Хижрий 362 йилнинг учинчи зулхијжжа, милодий 973 йилнинг 4 сентябрида туғилган қомусий олим қўлёзма асарларда Муҳаммад ибн Аҳмад Абу-ар-Райхон ал-Беруний ал-Хоразмий дея номланиб, Хоразмнинг ўша вақтдаги қадимий пойтахти Кат шаҳрида туғилади. Маълумки, Кат 10 асрда Хоразмшоҳ-африғийлар сулоласининг пойтахти, шарқнинг савдо, маданий марказларидан бири бўлиб, Шарқий Европа, Ҳиндистон, Яқин Шарқ, Хитой давлатларидан келиб кетадиган савдогарлар учун чорраҳа вазифасини ўтар, бу азим шаҳарда астрономия, гедезия, математика, география билан шуғулланувчи маҳаллий олимлар, сурялий, рўмлик фан вакиллари ҳам мавжуд эди.

У болалигидан айниқса тилларни ўрганишга интилиб, араб, форс, сўғдий, сурёний, юонон ва қадимги яҳудий тилларини ўзлаштириди. “мен болалик чоғимданоқ ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида қўйидагини келтириш кифоя: биз туродиган жойга ўшанда бир юонон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим”, дея аллома юончани ўрганганини кейинчалик хотирлаб ўтганди.

Алломанинг ёшлигидан илм билан машғул бўлгани тўғрисида устози Ибн Ироқ ўз асарида ёзиб, Беруний 994-995 йиллари Кат шаҳрида мұхим астрономик тажрибалар ўтказиб борганини таъкидлаган. Бунинг учун Беруний астрономик асбоблар ихтиро қилган.

“Дарёларнинг доим денгизга қўйилиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, амал ва лаззат ҳақиқий илм олувчига таъсир кўрсата олмаслиги керак”. Буюк аллома Абу Райхон Беруний ҳазратлари бу сўзлари билан илм дарёсида эркин суза оладиган киши кучли тўлқинларга дуч келишига қарамай, ўз мақсадига барибир етажагига ишора қилган эди...

Маълумки, 994-995 йиллари Ўрта Осиёда мұхис сиёсий ўзгаришлар бўлиб, Қорахонийлар Сомонийлар давлатига қарши ҳужумга ўтади. Натижада Хоразмдаям давлат тўнтариши бўлиб, Кат Урганч амири Маъмун 1 томонидан забт қилинади. Шу билан шаҳарда ҳукмдорлик қилааётган африғийлар сулоласи тутатилади. Вазиятнинг ўзгариши амир хизматида бўлган Берунийнинг ҳаётини таҳликага қолдиради ва у 22 ёшида ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Натижада бир муддат Каспий денгизининг жануби шарқидаги Журжонда, кейин Техрон ёнидаги Рай шаҳрида мусофириликда азоб чекиб яшайди.

Аммо аллома қийинчиликларга қарамай асарлар ёзишда давом этаверди. У “Осор ал-боқия” асарида Рай шаҳрилик бир киши астрономияга доир масалада баҳслашгани ҳақида сўзлаб, у киши илмда Берунийдан анча паст турса ҳам, ўзини олимдан юқори тутиб, ҳатто уни ҳақорат қилишгача борганини ёзганди:” Ваҳоланки, орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки, мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликларга учраб, паришонҳол эдим”.

Шундан кейин у Журжонга қайтиб машҳур табиб, астроном ва файласуф ал-Масиҳий билан танишиб, ундан сабоқ олади. Ўша вақтда Берунийнинг бахтига Хоразм ва Капсий олди вилоятларида Зиёрийлар сулоласи(928-1042) га мансуб Қобус ибн Вашмир олимни ўз ҳимоясига олади ва унга шароитлар яратиб беради. Ҳаттоки, Берунийга вазирлик лавозимини таклиф этади. Аммо аллома амалдорликдан илм билан шуғулланишни афзал кўради.

1010 йилга келиб Хоразмда осойишталик ўрнатилади ва Беруний Маъмун 2 томонидан Урганчга таклиф этилиб, унга катта ҳурмат кўрсатилади. Натижада Беруний бошқа олимлар билан айнан шу даврда тарихда кейинчалик Маъмун академияси дея ном олган, ўз вақтида эса “Дорул ҳикма” деб аталган фан масканига раҳбарлик қиласи. Кўплаб фан вакилларини бу даргоҳга жалб этиш орқали, инсоният цивилизациясига катта ҳисса қўшилган асарлар, ихтиrolар юзага келишига сабаб бўлади.

Афсуски, бундай оламшумул фаолиятга 1017 йилдаги нотинчилклар чек қўяди. Чунки, Моваруннаҳрдаги юзага келган қораҳонийлар давлати барпо қилинади. Ҳурросон ва Афғонистонда эса Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) ўз ҳукмдорлигини ўрнатади. Қораҳонийлар ва Ғазнавийлар ўртасидаги сулҳга кўра, Амударё улар давлатининг чегараси қилиб олинади. Натижада Хоразм Ғазнавийларга қарам бўлиб қолади. Шу таҳлит Берунийнинг кейинги 31 йиллик ҳаёти ватанидан узоқда-ғазнада кечди. Тўғри, у яратилган шароит ва имконият туфайли ўша ерда туриб ҳам ноёб асарлар яратолди. Ҳаттоки, ҳукмдор билан Ҳиндистонга қилинган юришда ёнида ҳамроҳлик қилди. Ўша давлатнинг шимолидаги Нандиа қаъласида яшаб у ерда ер шари айланасини ҳисоблаш мақсадида ўлчаш ишлари олиб борди. Ҳинд олимлари билан мубоҳасалар олиб борди. Натижада тажрибалари, кузатувлари асосида “Ҳиндистон” каби дунёга машҳур асар яратди. Афсуски, ушбу асарини ёзиб тугатаётган йили Маҳмуд Ғазнавий вафот этиб, таҳтга ўғли Масъуд чиқди. Шукрки, янги ҳукмдор астрономия ва бошқа фанларга қизиқарди. Натижада у Берунийга инъом, ҳадялар бериб имкониятлар яратиб берди. Алломадан араб тилини чуқур ўрганиб олди.

Унинг мақсади илмнинг энг баланд чўққисини мумкин қадар забт этиш бўлган. Ниятига қисман эришди ҳам. Берунийнинг 70 та астрономия, 20 та математика, 4 та картография, 3 та метерология, 3 та минералогия, 1 та физика, 1 та

фармакология, 15 та тарих ва этнография, 4 та фалсафа. 18 та адабиётга доир асарларидан бүгунги кунда ҳам, ҳатто хорижликлар фойдаланишмоқда. 10-11 асрларда ақидапарастлар, золимлар зулми, турли түқнашув ва зиддиятлар авж олган пайтда бундай кенг қамровли, қомусий илмлар билан шуғулланишнинг ўзи Берунийнинг даҳолигидан нишонадир.

Умуман, Берунийнинг илм ила ёритган ақл машъали инсоният ҳаётини агадул-абад ёритиб туради. Жамият тараққиёти нуқул илм билан боғлиқ экан, немис олими Э.Захау таърифлаганидек, “фан оламида яккаю ягона хазина бу Берунийдир”.